



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими мудирини

Г.А.Каримова

2022й

БУЮРТМАЧИ:

Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими

Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига озик овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтарлари ва бракераж дафтарларини сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона тумани-2022

# Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини танқил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига озиқ овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтарлари ва бракераж дафтарларини етказиб берувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **32 176 500 сўм**.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими почта манзили 150400 Ўзбекистан Республикаси, Фарғона вилоят, Фарғона туман, Дилқушо МФЙ, Маргилон кўчаси 55-уй

Эл.адрес: [vodil107@gmail.com](mailto:vodil107@gmail.com)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.





«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Фарғона тумани мактабгача  
таълим бўлими мудирини  
Г.А.Каримова  
"06" 06 2022й

Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига озик овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтари ва бракераж дафтарлари сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш юзасидан

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Мазмуни
1	Объект номи	Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига озик овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтари ва бракераж дафтарларини сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш
2	Буюртмачи / буюртма тури	Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими 1.Таомнома бланкаси жамланмаси. Ҳар бир таомнома 44 вароқда ўлчови А3 форматда 297x420. 22 дона ок коғоз снегурочка, 22 дона газета ҳолатидаги коғозда Материал: снегурочка / газетная бумага (50/50) Микдори 513 комплект 30500 сўмдан суммаси 15646500 сўм 2.Омбор дафтари (Омборхонада сақланаётган озик овқат маҳсулотларини кайд этиш дафтари Микдори 114 дона 70000 сўмдан суммаси 7980000 сўм 3. Таомларни сифатини назорат қилиш бракераж дафтари микдори 114 дона 25000 сўмдан суммаси 2850000 сўм, 4. Келтирилган озик овқат маҳсулотлари бракераж дафтари микдори 114 дона 25000 сўмдан суммаси 2850000 сўм, 5. Сифати тез бузулувчи озик овқат маҳсулотларини кайд этиш дафтари микдори 114 дона 25000 сўмдан суммаси 2850000 сўм, Шартлари: дафтар шаклига келтирилган, шнурланган, елимланган, ҳисоботлар жамланмаси тикилган, декадаларга ажратилган <b>Умумий суммаси 32 176 500 сўм</b>
3	Буюртма учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарори
4	Объектнинг жойлашган манзили	Фарғона туман Дилқушо МФЙ Марғилон кўчаси 55-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарори талаблари асосида озик овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан шакл китобларни тайёрлашда кўрсатиладиган талабларга

		тўлиқ жавоб бериши
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан <b>32 176 500</b> (Ўттиз икки миллион бир юз етмиш олти минг беш юз) сўмлик таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтари ва бракераж дафтарларини сотиб олиш режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига озиқ овқат маҳсулотлари кирими, чиқими ва сақланиши юзасидан таомнома бланкаси жамланмаси, омбор дафтари ва бракераж дафтарини сотиб олиш
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 31 декабр гача
10	Молиялаштириш манбаи	Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими – бюджет маблағлари

Харид комиссияси аъзолари

Бош ҳисобчи:




С.Тожибоев

Бош иқтисодчи:



С.Тошматова

ЭКС бўлими бошлиғи



А.Набиев

Мухандис:



А.Қобилжонов

Давлат харидлари бўйича мутахассис:



Г.Саримсақова